Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 4 октябрь, шанба • № 79 (10.958) • Эркин нархда сотилади

## МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ КОНЦЕПЦИЯСИ

***Сентябрь охирида Вашингтонда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимоти — илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонаси ва Жон Хопкинс университети ҳузуридаги халқаро тадқиқотлар мактабининг Марказий Осиё институти «Марказий Осиё бўйича академик тадқиқотларнинг аҳволи ва истиқболлари» халқаро анжумани доирасида ўтган семинарнинг ташкилотчилари бўлдилар.

Семинарда АҚШ Маъмурияти, конгресси, Давлат департаменти вакиллари, ижтимоий, ишбилармон ва таҳлил доиралари, халқаро ташкилотлар ва Вашингтонда рўйхатдан ўтган дипломатик корпус намояндалари, журналистлар иштирок этдилар. Анжуманда Ўзбекистон ва Марказий Осиё масалалари билан шуғулланувчи илмий ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, шу жумладан, Гарвард университети, Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази, Вудро Уилсон маркази ҳузуридаги Кеннон институти олимлари фаолияти кенг намойиш этилди.

Марказий Осиё институти президенти Ф. Стар конференцияни очатуриб минтақавий хавфсизликнинг асосий тенденцияларини ёритиб берди ҳамда Ўзбекистон Президенти китобининг Марказий Осиёда ўтаётган жараёнларнинг моҳиятини тушуниб етишдаги долзарблигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси С. Сафоев ўз маърузасида китобнинг асосий мазмуни хусусида тўхталиб, йиғилганларга Ўзбекистон раҳбариятининг Марказий Осиё минтақасининг барча нуқталарида барқарорликни сақлаш ва тинчлик ўрнатиш бўйича ташаббуслари ва амалий ҳаракатлари ҳақида сўзлаб берди.

Марказий Осиё институти профессори Ч. Фейрбэнкс Ўзбекистон Президентининг янги асарининг илмий аҳамияти билан бир қаторда унинг асосида минтақадаги ҳавфсизликнинг бир маромдаги ва узоқ муддатли концепцияси ётганини, миллий можароларни ҳал этиш ва унинг олдини олиш бўйича амалий тавсияларга эга эканини таъкидлади.

***«Жаҳон» АА.***

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## Р. М. ҚОСИМЖОНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» КЎКРАК НИШОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз обрўсини, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтириш йўлидаги катта хизматлари ҳамда жаҳон миқёсида эришган улкан ютуқлари учун шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Рустам Машкурович Қосимжоновга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 2 октябрь.



### *Рустам ҚОСИМЖОНОВ:*

## «ОРЗУИМ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛИШ»

***Ўтган куни Тошкентдаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида республикамизнинг иқтидорли ёш шахматчиси Рустам Қосимжоновга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини топшириш маросими бўлди. Мамлакатимиз раҳбарининг Фармонини Президентнинг давлат маслаҳатчиси Т. Алимов ўқиб эшиттирди ва юксак мукофот билан тақдирлади. Сўнгра Президент туҳфаси — мукаммаллашган компьютерни Республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев топширди.***

Тошкент Давлат университетининг механика-математика факультети 3-курс толиби, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжоновни юксак унвон ва мукофот билан қутлаб, суҳбатлашдик.

**— Рустамжон, Сиз жуда кўп хорижий мамлакатларда ўтказилган шахмат мусобақаларида иштирок этиб, бир неча бор ғолибликни қўлга киритгансиз. Бугун эса «Шахмат бўйича халқаро гроссмейстер» унвонига сазовор бўлдингиз...**

— Дарҳақиқат, Германия, Франция, Бразилия, Венгрия, Бирлашган Араб Амирликлари мамлакатларида ўтказилган шахмат мусобақаларида ўз кучим ва маҳоратимни синаб кўришга муваффақ бўлдим. 1994 йилда илк бор ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони бўлганимда йўлбошчимиз Ислом Каримов менга оқ фотиҳа тилаб, компьютер совға қилган эдилар. Президентимизнинг совғаси мени янгидан-янги муваффақиятларга ундади. Ўз устимда янада кўпроқ ишлашга, сабоқ олишга даъват этди. Ўшанда мен «Шахмат бўйича халқаро гроссмейстер» унвонини олишга ҳаракат қиламан, деб ваъда бергандим. Қилган ҳаракатларим зое кетмади. 1994 йил Венгрияда, 1995 йил Бразилияда бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 3-ўринни эгаллаб, икки бор бронза медали билан тақдирландим. 1996 йилда Макаода 20 ёшгача бўлганларнинг Осиё чемпионатида 2-ўринни, шу йили Бирлашган Араб Амирликлари мамлакатида катта ёшлиларнинг Осиё командалари чемпионатида ҳамда Францияда ўтказилган гроссмейстерлар турнирида ғолибликни қўлга киритдим. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида эса юртимиз чемпиони бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Шахсан Президентимиз Ислом Каримовнинг республикамизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларни юзага чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатлари туфайлигина ушбу улкан совринга сазовор бўлдим. Билмадим, балки менга қадар ҳам Ўзбекистонда бир неча шахматчилар етишиб чиққан, эҳтимол уларнинг номи тарих зарварақларида ёзилмай қолгандир. Лекин бугун юртимизда ҳар бир соҳа фидойиларига алоҳида эътибор кўрсатилмоқда. Буни менга берилган «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонидан ҳам билсак бўлади. Бундай ютуқларга эса мустақиллик шарофати туфайли эришмоқдамиз.

Ҳар гал ўйин бошланишидан олдин юртимиз байроғи осмон узра ҳилпираганда, давлатимиз мадҳиясининг оҳанграбо куйи жаранглаганда беихтиёр қалбим туғёнга келади, тўлқинланади. Шу Байроқ, шу Мадҳия, Ватанимиз мустақиллиги абадий бўлсин, деб юртимиз шаънини ҳимоя қилишга киришаман. Ватан туйғуси эса ҳар нарсадан кучли.

**— Илк устоз ва мураббийларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Шахмат ўйинининг сир-синоати, ҳар бир донани ушлашдан олдин, «етти ўлчаб, бир кесиш» ни акам, шахмат устаси номзоди Хуршид Қосимжоновдан ўрганганман. Шунингдек, устозларим Александр Грушевский, Сергей Пинчуклар ҳам ўз ғайратларини аямасдан сабоқ беришди.

**— Рустамжон, келгуси режаларингиз ҳақида ҳам қисқача гапириб берсангиз?**

— Режаларим кўп. Аввало, университетни муваффақиятли тугатиш, шахмат равнақига қўлимдан келганча ҳисса қўшиш. Қадимдан шахмат санъати ўлкамизда гуллаб-яшнаган, юртимиз шахмат ватани бўлган. Президентимиз томонидан спортга, жумладан шахмат ва шахматчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликларга жавобан бор кучимни, ғайратимни катталар ўртасида жаҳон чемпиони бўлиш учун курашга қаратаман. Менинг саъй-ҳаракатларим туфайли мустақил юртимизнинг номи дунё бўйлаб яна ва яна жаранглашини ният қиламан. Бу кун мен учун унутилмас дақиқалар бўлиб қолади.

***Рўзибой ҲАМИДОВ суҳбатлашди.***

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

### БОЗОРНИ ЎРГАНИБ...

***«Ўзбекистон кимё машинасозлиги заводи» ҳиссадорлик жамияти жамоаси мамлакатимизда нефть ва газ саноатининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу ерда халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун мураккаб асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилмоқда.***

Лекин машинасозлар янги маҳсулот турларини ҳам тайёрлаш йўлидан боришяпти. Улар бозор талабларини ҳисобга олиб, қатор янги мосламаларни тайёрлаш технологиясини ўзлаштирдилар. Жорий йилда сув узатиб беришда қўлланиладиган электр сув тортгич ишлаб чиқарила бошланди. Яқинда жамоа яна бир янгиликка қўл урди. Турли хил механик аралашмаларидан ўзини-ўзи тозаловчи фильтр тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу янги маҳсулот турларини етказиб бериш бўйича тушган буюртмалар тўла бажарилмоқда.

***Собир ҲАМИДОВ.***

### ТАШХИС «ТЕЛЕКЎПРИК» ОРҚАЛИ ҚЎЙИЛДИ

***ВИЛОЯТИМИЗ соғлиқни сақлаш тизимида беморларни назорат қилишнинг янги-янги усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Яқинда республика акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институти марказий залида ўрнатилган «телекўприк» ускуналари Бекобод шаҳри туғруқ мажмуи билан боғланди.***

Бекободлик шифокорлар кўзгуда навбатма-навбат беморларни кўрсатиб, тошкентлик мутахассислардан маслаҳат сўраб бордилар. Институтдан туриб гинеколог олимлар беморларга ташхис қўйиб муолажа усулларини айтиб турдилар. Зудлик билан ўтказиладиган операцияларни аниқлаб, уларни ижро этишга кўмаклашдилар.

«Телекўприк» алоқаси шифохоналар билан боғланиш ҳар томонлама қулайлик яратишини мазкур тадбир яққол кўрсатди. Республикада биринчи марта хорижлик мутахассислар, таниқли олимлар, барча вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари иштирокида ўтган бу тадбир кутилгандан ҳам яхши самара берганлиги олимлар томонидан қайд этилди.

Ушбу телеалоқа жараёнида иштирок этган Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов бундан буён соғлиқни сақлаш тизимида «телекўприк» орқали даволаш кўлами кенгайиб боришини билдирди.

***Саидвали ҲАСАНОВ.***

### ТЕРИМ ҚЎШИҚҚА УЛАНМОҚДА

***ЧИНОЗ тумани маданият ходимлари пахта йиғим-теримида ўз санъатлари билан ҳисса қўшмоқдалар.***

Яқинда бу ерда Республикада хизмат кўрсатган артист, туман маданият бўлими мудири Мамажон Нурматов раҳбарлигида ансамбль тузилиб, пахтакорларга хизмат кўрсата бошлади.

Улар пешин пайтида дала шийпонларида, теримчи ва механизаторлар ҳузурида ўз санъатларини намойиш қилмоқдалар. Охунбобоев номли жамоа хўжалигида бўлган учрашув кишиларда яхши таассурот қолдирди. Сайёр ансамбль шунингдек, «Эшонобод» жамоа хўжалиги далаларида пахта тераётган ёш ўқитувчилардан иборат бригада аъзоларига ҳам концерт қўйиб бердилар. Туман маданият бўлими ходимлари бундан ташқари далалардан шу кунгача 20 тоннадан ортиқ пахта териб топширишди.

***Орзиқул МАЪМУРОВ.***

### БЎКАНБОЙГА ГАЗ КЕЛДИ

***ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманидаги Кавардон қишлоғига табиий газ келганига анча йиллар бўлган.***

Аммо унинг «Бўканбой» маҳалласи «зангори олов»дан баҳраманд эмасди. Яқинда бўканбойликлар ҳам ўтин, кўмир ташвишидан бутунлай қутулишди.

Маҳалладаги юзга яқин хонадон табиий газ билан таъминланди. Бу қулайликни яратишда туман газ корхонаси, маҳалла қўмитасининг собиқ раиси марҳум Серикбой Аширбоев, маҳалла фаоллари Афсерик Қўшқулов, Абдуқаюм Мирсалманов, Нурмуҳаммад Тожибоев, Илҳом Аҳмедовларнинг саъй-ҳаракатлари ва қўшган ҳиссалари катта бўлди.

***Латифжон МАНСУРОВ.***

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

### ҚЎШИМЧАСИ 250 ТОННА БЎЛАДИ

***САБЗАВОТЧИЛИКДА меҳнатни ташкил этишнинг оила, ижара пудрати усулларини қўлланиш, деҳқонларга амалда эрк берилганлиги — ерлардан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш имкониятини бермоқда.***

ҚИБРАЙ туманидаги Т. Нормуҳаммедов номли жамоа хўжалиги туманда биринчилардан бўлиб сабзавот сотиш йиллик режасини бажарганлигининг боиси ҳам шундадир. Жамоа хўжалиги айни кунга қадар мўлжалдаги 3550 тонна ўрнига 3650 тонна маҳсулот етказиб берди.

— Деҳқонларимизнинг таклифи ва ташаббуси билан яна бир хайрли ишга қўл урдик, — дейди жамоа хўжалигининг раиси Обидхожи Султонов. — Ҳисоблаб чиқсак, ҳар гектар қулупнайзордан 100 минг сўм соф фойда олиш мумкин экан. Биз эса бу соҳага эътибор бермай қўйдик. Бу камчиликни тугатишга киришдик. Қулупнайзорлар учун алоҳида ер ажратиб, кўчатини экиб қўйдик. Яна келажакда қулпнай экилган майдонлар 30 гектарга етади.

Жамоа хўжалиги меҳнаткашлари эл дастурхонини турли хил нозу-неъматлар билан тўкин қилиш учун ана шундай меҳнат қилмоқдалар.

Ҳали далаларда ҳосил сероб. Улар йил охиригача режага қўшимча яна 250 тонна сабзавот етказиб беришга аҳд қилдилар.

***Адуҳамид ФОЗИЛОВ.***

### «КЕЙС»: КУНЛИК УНУМ — 25 ТОННА



Юқоричирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли кооператив хўжалиги бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирди. Йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўрилгани, белгиланган тадбирлар изчиллик билан амалга оширилаётганлиги сабабли, қўлда ва машиналар билан пахта теришда юқори унумга эришиляпти. Айни кунларда хўжалик далаларида 19 та терим агрегатлари тўла қувват билан ишлаяпти. Куни-кеча пахтазорда Америкада ишлаб чиқарилган «Кейс-2022» русумли терим машинаси ҳам ишлай бошлади. Бу агрегат ғоят юқори иш унуми билан ўз афзаллигини кўрсатаётир. У билан ҳар куни 25 тоннадан пахта териб топширилмоқда.

***СУРАТДА:** Аҳмад Яссавий номли хўжалик далаларида ишлаётган «Кейс-2022» русумли пахта териш машинаси; 6-бригада бошлиғи Бойдулла Колхозов, машина-трактор саройи бошқарувчиси Эркабой Отабоев, хўжалик бўлим бошқарувчиси Сайдали Устапердиев терим сифатини кўздан кечирмоқдалар.*

***А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.***

### КУНИГА БЕШ ФОИЗДАН ОШЯПТИ

***«Тошовул» жамоа хўжалиги пахта йиғим-теримида Қуйичирчиқ туманида пешқадамлик қиляпти. Бу ерда ҳар куни давлатга йиллик режанинг беш фоизидан ошириб ҳосил топширилмоқда.***

— Бунга биз пахта йиғим-теримини ташкил этишга янгича ёндошаётганимиз сабабли эришяпмиз, — дейди хўжалик раиси Александр Ким. — Шу кунларда 800 дан кўпроқ хўжалик аъзолари далада пахта теряпти. Булардан ташқари 1500 дан ортиқ ҳашарчилар ҳам ёрдамлашмоқда. Теримчилар билан ҳар беш кунда иш ҳақи ҳисоб-китоб қилиб бориляпти. Энг кўп пахта терган ва илғорлик қилаётган кишиларга даланинг ўзида пул ва қимматбаҳо мукофотлар беряпмиз.

Терим машиналари иш бошлагач, хирмонга янада барака кирди. Ҳозир далаларда 18 та «зангори кема»лар ишлаяпти. Кенжаали Олтибоев, Ўрозбек Тойбеков, Абдумалик Иброҳимовлар кечгача машина бункеридан 4—5 тоннадан ҳосил тўкмоқдалар. Уларга терилган ҳар бир тонна пахта учун 90 сўмдан ҳақ тўланаяпти. Дала шийпонларида икки маҳал иссиқ овқат тайёрланмоқда. Пахтаси машиналар билан териб олинаётган Ўсканбой Абдусаматов, Ҳайитбой Давренов, Оллаберган Тўйбоев бошлиқ бригадаларда кунига режанинг 7—8 фоизигача етказиб ҳосил топширилмоқда. Хўжалик бошқаруви энг илғор механик ҳайдовчиларни рағбатлантириш режаларини тузди. Совринга қора мол ва бошқа мукофотлар ажратилди.

Яна бир янгилик: Эрали Йўлдошев бошлиқ деҳқон-фермер хўжалиги давлатга 25 тонна пахта топшириб, режани бажарди. 6 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтарилди.

***Саиджон МУСТАФОЕВ.***

### Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1997 йил 3 октябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

**Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён**

| | | |
|---|---|---|
| Чиноз | 2,48 | 51,64 |
| Ўртачирчиқ | 3,68 | 46,24 |
| Янгийўл | 2,75 | 41,68 |
| Юқоричирчиқ | 4,01 | 39,16 |
| Бекобод | 2,30 | 38,37 |
| Бўка | 2,62 | 36,76 |
| Пскент | 2,15 | 34,10 |
| Қуйичирчиқ | 2,10 | 25,93 |
| Оққўрғон | 0,69 | 5,04 |
| Вилоят бўйича | 2,43 | 33,61 |
| 1996 йилда бўлган эди | 2,30 | 31,02 |

### АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

*Мамлакатимизда 1998 йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна бошланди. Эслатиб ўтамиз: «Тошкент ҳақиқати»га обуна нархи бошқа газеталарга нисбатан бирмунча арзон.*

**ШАХСИЙ ОБУНАЧИЛАР учун бир йиллик обуна нархи — 1020 сўм;**
**ярим йилга — 510 сўм;**
**уч ойга — 225 сўм;**
**ТАШКИЛОТЛАР УЧУН:**
**йиллик обуна нархи — 1848 сўм,**
**ярим йилга — 924 сўм,**
**уч ойга — 462 сўм.**

***Бизнинг индекс:***
***якка обуначилар учун 205***
***ташкилотлар учун: 206***

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ёзилинг.**

